

**ТАЛАБА ҚИЗЛАРНИНГ YURAK URISHLAR BA O'PKALARLING  
TIRIKLIK NAJMI K'URSATKICHLARI B'YICHА ЖИСМОНИЙ  
РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ ҚИЁСИЙ ТАВСИФЛАШ**

**Махсудова Малика Холматжановна**

*Андижон давлат педагогика институти Жисмоний маданият кафедраси ўқитувчиси*

---

**A R T I C L E I N F O.**

---

**Калит сўзлар:**

Юрак уришлар сони ва ўпкаларнинг тириклик ҳажми, мунтазам жисмоний машқлар, жисмоний юкламаларни хафталик ҳажми, талаба қизларда юракнинг мускул массасини ўсиши тўла тугалланмаганлиги, ўпкаларнинг тириклик ҳажмини ортиши организмни кислородга бўлган талаби.

---

**Аннотация**

---

Maqolada fuqarolik jamiyatining ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishdagi ahamiyati va ilk tasavvurlar, g'oyalar, ta'limotlar, iqtisodiy, siyosiy va madaniy sohalarda ham bo'lib borishi insoniyat tarixida kishilik jamiyatining yangi bosqichlariga qadam qo'yishiga sabablari yoritilgan.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

**Кириш.**

Таълим олиш жараёнида талаба қизларнинг жисмоний ривожланиш даражаси ва саломатлиги ҳолатини доимий равишда мониторинг қилиш мақсадида морфологик ва функционал илмий тадқиқотларни амалга ошириш уларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан, долзарб аҳамиятга эга [9]. Келажак авлодни соғлом ўсиши ва ривожланиши бўлажак оналарнинг саломатлигига боғлиқлигига этибор қаратилса муаммонинг аҳамияти янада яққол кўринади.

**Асосий қисм.**

Жисмоний ривожланиш – бу, одам организми саломатлигининг интеграл кўрсаткичи ҳисобланади ва айнан, олий мактабда таълим олиш даври ўспиринлар организмининг соғлом жисмоний шаклланиши учун оптималь давр сифатида қайд қилинади [9, 11].

Одам организмининг барча турдаги фаолият йўналишларида иш бажариш қобилиятининг юқори бўлиши асосий жисмоний сифатлар билан ифодаланувчи жисмоний ривожланганлик даражаси билан [63; 67-b.].

Шундай қилиб, индивиднинг ўз имкониятларини тўлиқ ҳолда намоён қилишида жисмоний ривожланганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади.

Ўспиринлик даври – организмининг функционал ҳолатига таъсир этувчи муҳим ижтимоий

жараён хисобланиб, ўрта таълимдан кейин аксарият олий таълимда таълим олиш даврига тўғри келади [ 2, 6]. Талабалар - бу ахолининг алоҳида контингенти бўлиб, улар саломатлигининг ҳолати олдинги даврлардаги ижтимоий фаровонлик ва тиббий таъминотнинг барометри, шунингдек кейинги йилларда аҳоли саломатлигидаги ўзгаришларнинг кўрсаткичидир.

Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, сўнгги ўн йилликда талаба ёшлар саломатлигининг пасайиши ва сурункали касалликлар тарқалиши кузатилмоқда[4,8]. Ўртача 20-40% талабаларда турли хил сурункали касалликлар: нерв психик, юрак-қон томир, тана вазнининг етишмаслиги ёки ортиқчалиги, нафас олиш органлари касалликлари кузатилмоқда [ 9,10].

Бу эса соғлиқни сақлашни баҳолашга йўналтирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ва ахолининг ушбу контингенти мамлакат ҳалқ хўжалигини келажагини таъминловчи кучининг салоҳиятини сақлашга қаратилган тадқиқотларни олиб боришни талаб этади.

### **Тадқиқот объектлари ва услублари.**

Тадқиқотлар 2020–2021 йилларда Андижон давлат университетининг жисмоний маданият йўналиши ва биология таълим йўналишида таҳсил олаётган биринчи ва иккинчи босқич талаба қизларида олиб борилди. Тадқиқотларда талаба қизларнинг юрак уришлар сони (зарба/дақика) va ўпкаларнин тириклик ҳажми (мл) стетоскоп ва спирометр асбоблари ёрдамида стандарт услублар бўйича амалга оширилди. Тадқиқотларда қизларининг морфо–функционал параметрларини қайд қилиш бўйича кузатувлар Халқаро тиббиёт ассоциациясининг (*World Medical Association, WMA*) Хельсинки декларацияси тамойилларига тўлиқ амал қилинган холатда, талаба қизларнинг оғзаки розилиги асосида амалга оширилди.

Олинган натижалар қўйидаги Л.В.Денисова ва бошқалар (2008) томонидан келтирилган услублар ёрдамида математик–статистик қайта ишланди [5].

Натижалар  $n$  марта такрорланган холда амалга оширилган тажрибалар натижаларининг  $M \pm m$  шаклида келтирилган бўлиб,  $M$  – ўртача арифметик қиймат ва  $m$  – стандарт хатолик қийматини ифодалайди.

Шунингдек, тажриба натижалари гурухлар ўртасидаги қийматларнинг фарқини статистик ишончлилик даражаси Стьюодент  $t$ -мезони асосида ҳисобланди ва  $p < 0,05$ ,  $p < 0,01$  даражаларда статистик ишончли деб баҳоланди. Иккита тажриба гурухи қийматлари ўртасидаги фарқланиш ишончлилик даражаси Стьюодент мезони бўйича, қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланди :

$$t = \frac{\bar{x}_1 - \bar{x}_2}{\sqrt{m_1^2 + m_2^2}}$$

### **Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили**

Кузатувда фойдаланилган физиологик-антропометрик тадқиқот услублари, экспериментал ўлчов асбоблари, шунингдек олинган натижаларни математик-статистик қайта ишлаш дастурлари тадқиқот иши натижаларининг ишончлилик даражасини белгилаб беради.

Организмнинг ташқи мухит омиллари таъсирига якка тартибдаги жавоб реакциясини ва шунингдек, организмнинг конституционал хусусиятларига, овқатланиш рациони ва меъёри, моддалар алмашинуви, гипокинезия ва экологик иқлим шароитларига боғлиқ ҳисобланади.

Қўйидаги жадвалда тадқиқотлар олиб борилган талаба қизларнинг юрак уришлар сони (зарба/дақика), ўпкаларнинг тириклик ҳажми (мл) кўрсаткичлари келтирилган (1-жадвал).

Функционал кўрсаткичлар	Жисмоний маданият йўналиши (n=)	Биология йўналиши (n=)
юрак                  уришлар                  сони	68,7±1,5	74,8±1,8

(зарба/дақықа)		
ўпкаларнинг тириклик ҳажми (мл)	3175,0±114,04	2670,0±88,03

**Изоҳ:** \* , \*\* – I тажриба гурухига нисбатан назорат гурухи қийматлари ўртасидаги фарқланишнинг статистик ишончлилиқ даражасини ифодалайди (\*  $-p<0,05$ ; \*\*  $-p<0,01$ ) [5].

**Ўпкаларнинг тириклик сиғимини ўлчаш (мл).** Тажрибаларда ўпканнинг тириклик сиғими стандарт услуг [97; 455–458-б.; 84; 30-б.] ёрдамида, хўл ёки куриқ спирометр асбоби ёрдамида ўлчанади. Бунда синовдан ўказилувчи максимал чуқур нафас олишдан кейин, спирометр жўмрагига максимал нафас чиқариш харакатини амалга оширади. Текшириш 2 марта такрорийликда бажарилди ва энг катта қиймат қайд қилинди(ўлчашнинг аниқлик даражаси  $\pm 100$  мл га тенг).

Талаба қизларнинг ёшида нафас тизими мукаммалашади. Нафас сиклининг давомийлиги ва нафас олиш тезлиги ортади, нафас чиқариш харакатлари эса давомлироқ бўлади. Нафас маркази кислород етишмовчилигига ва карбонат ангидритни ортиқчалигига чидамлироқ бўлиб қолади. Нафасни харакатларини бошқариш шу жумладан, гапирганда ихтиёрий бошқариш мукаммалашади.

Ўпкаларнинг тириклик ҳажми онтогенетик тараққиётнинг барча босқичларида қизларда ўғил болаларга нисбатан кичик бўлади. Ўпкаларнинг тириклик ҳажмининг катталиги ёшга, жинсга, жисмоний чиникканликка, танани катталигига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ бўлади. Ўпкаларнинг тириклик ҳажмининг катталиги қизларда 2500 – 3200 мл тенг. Спортчи қизларда унинг катталиги 4500 мл кўтарилиши мумкин.

Жисмоний маданият факултетининг биринчи босқичида ўқиётган талаба қизларнинг ўпкаларини тириклик ҳажмини ўртача қиймати  $3175,0\pm114,04$  мл тенг. Ўпкаларнинг тириклик ҳажмини абсолют кўрсаткичлари  $2000,0$ - $4000,0$  мл чегарада тебраниб туради.

Биология таълим йўналишининг биринчи босқичида тахсил олаётган талаба қизларнинг ўпкаларини тириклик ҳажмини ўртача қиймати  $2670,0\pm88,03$  мл ташкил қилди. Ўпкаларнинг тириклик ҳажмини энг катта кўрсаткичи  $3300,0$  мл, энг кичик кўрсаткичи эса  $1900,0$  мл тенглиги аниқланди.

Иккала гурухларнинг ўртача кўрсаткичлари ўзаро таққосланганда орадаги фарқ  $500$  мл ташкил қилди. Бу фарқ статистик жихатдан мукаррардир ( $p<0,05$ ).

**Юракнинг қисқариш частотаси** (зарба/дақықа) синовдан ўтказилувчи талабада стетоскоп асбоби ёрдамида аниқланди. Юрак–қон томир тизимининг функционал имкониятларини баҳолаш интеграл кўрсаткич сифатида, ўтирган ҳолатда, пулсометрия ёки тономерия услуби ёрдамида юрак уриш сонини ўлчаш асосида амалга оширилди. Бунда синалевчи талаба ўлчашдан аввал 10 минут тинч ҳолатда ўтиришига эътибор бериш керак (ўлчашнинг аниқлик даражаси  $\pm 3$  марта тенг).

Маълумки, одам организмida кардиореспиратор тизимнинг функционал ҳолати ва захира имкониятлари организмнинг жисмоний юкламаларга нисбатан мослашиши даражаси, ташки мухитнинг ўзгарувчан шароитларида мақсадга мувофиқ жавоб реаксияси шаклланишини белгилаб беради [82; 3–22-б.].

Юракнинг мускул массасини ўсиши тўла тугалланмаганлиги сабабли талаба қизларда юракнинг систолик сиғими катталарнинг кўрсаткичига етмаган бўлади. Систолик сиғимнинг максимал кўрсаткичи  $8$  -  $9$  ёшда  $79$  мл,  $14$  –  $15$  ёшда  $100$  –  $120$  мл,  $20$  –  $22$  ёшдаги спортчи қизларда  $140$  мл бўлади. Юракнинг минутлик сиғими тинч ҳолатда  $18$  –  $20$  ёш қизларда  $3$  –  $3,5$  л/мин тенг бўлади. Ёш спортчи қизларда юракни минутлик ҳажми асосан юрак уришлар частотаси хисобига

қопланади.

Талаба қизларнинг кардиоваскуляр тизими функционал фаоллиги кўрсаткичлари – жумладан, юракнинг қисқариш частотаси (зарба/дақиқа), қийматлари солиштириш асосида ўрганилди.

Юракнинг қисқариш частотаси (зарба/дақиқа) жисмоний маданият факултетининг биринчи босқич талаба қизларида  $67,0\pm98,0$  зарба/дақиқа спектри чегарасида тебраниб туриши қайд этилди. Юрак уришлар частотасининг ўртача қиймати  $68,7\pm1,5$  зарба/дақиқани ташкил қилди.

Биология йўналишининг биринчи босқичида ўқиётган талаба қизларнинг юрак уришлар частотасининг ўртача кўрсаткичи  $74,8\pm1,8$  зарба/дақиқага тенг. Энг юқори кўрсаткич  $87,0$  зарба/дақиқа, энг паст кўрсаткич  $64,0$  зарба/дақиқага тенг чиқди.

Жисмоний маданият ва биология йўналиши талаба қизларнинг ўртача кўрсаткичлари ўзаро таққосланганда орадаги фарқ  $6,1$  зарба/дақиқа эканлиги аниқланди. Бу фарқ статистик жихатдан мукаррардир ( $p<0,01$ ).

### **Хуносалар.**

Талабаларда ўпкаларнинг тириклик хажми кўрсаткичлари бошқа регионларда кузатиш ишларини олиб борган муаллифларнинг ишларида келтирилган кўрсаткичларига мос келади. Кузатиш ишлари охирида биричи босқичда ҳам иккинчи босқичда ҳам жисмоний маданият факултети талаба қизларининг ўртача кўрсаткичлари биология факултети талаба қизларининг кўрсаткичларидан статистик ишонарли даражада катта эканлиги аниқланди ( $p<0,05$ ). Бу холатни жисмоний юкламалар таъсирида спортчи талаба қизларнинг ўпкаларини функционал имкониятлари ортгани билан изохланади.

Юрак қисқаришлар сони (зарба/дақиқа) жисмоний юкламалар таъсирида спортчи қизларни ўртача кўрсаткичларини биология таълим йўналиши талаба қизларининг ўртача кўрсаткичларига нисбатан камлиги ва бу фарқ статистик ишонарли эканлиги кузатилди ( $p<0,01$ ). Жисмоний маданият йўналиши қизларида юрак уришлар сонини камайиши организмни қонга бўлган эҳтиёжини юракни системик хажмини ортиши хисобига қондираётганлигини кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аулик И. В. Определение физической работоспособности в клинике и спорте / Москва. – Изд–во «Медицина», 1990. – С.34–56.
2. Ахматалиева М., Каримов Х.А., Ботирова З.Б. Динамика изменения физического развития детей старшего школьного возраста г. Чартак // Проблемы биологии и медицины. – 2008. – №1 (51). – С.10–11.
3. Быков Е.В., Усков Г.В., Белов В.В. Программы тренировочных режим для студентов с различным уровнем функционального состояния // Теория и практика физ. культуры, 2003. - №6, - С. 17-19.
4. Дмитриев Д.А., Дмитриев А.Д., Карпенко Ю.Д. и др. Влияние экзаменационного стресса психоэмоциональных особенностей на уровень артериального давления и регуляцию сердечного ритма у студенток// Физиология человека, 2008. - №5, - С. 89-96.
5. Денисова Л.В., Хмельницкая И.В., Харченко Л.А. Измерения и методы математической статистики в физическом воспитании и спорте: Учебное пособие для вузов. // Киев. – Изд–во «Олимп. л–ра», 2008. – С.7–127.
6. Ильясов А.С., Шукурбекова Ф.Ф. Сравнительный анализ роста подростков и юношей, проживающих в разных экологических зонах Навоийской области Республики Узбекистан // Морфология (Москва). – 2012. – Т.141. – №3. – С.65.
7. Ланда Б.Х. Методика комплексной оценки физического развития и физической

- подготовленности: учеб. Пособие. – 3–е изд.. испр. и доп. // Москва. – Изд–во «Советский спорт», 2006. – 208 с. – С.20–42.
8. Негашева М.А. Антропометрические параметры и адаптационные возможности студенческой молодёжи к началу XXI века // Рос. пед. Журн, 2005. - №5, - С. 12-16.
  9. Принципы и алгоритмы мониторинга здоровья учащихся и студентов /под ред. Р.И. Айзман // Сиб. мед. Обозрение. 2009. - №3, - С. 101-103.
  10. Пузырь Ю.П. Управление физическим воспитанием в образовательных учреждениях на основе мониторинга физического состояния // Диссертация к.пед.н. – Москва, 2006. – 193 с.
  11. Шилова О.Ю. Современные тенденции физического развития в юношеском периоде онтогенеза (Обзор) // Экология человека. – 2011. – №4. – С.29–36.